Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДОРИЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хамдамов Абдували Ахмедович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Тезкор қидирув фаолияти
кафедраси профессори, ю.ф.д., профессор

Абдираимов Алпомиш Ўткир ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси кундузги таълим
3-босқич 302-гуруҳ курсанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.24414863

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорлар ноқонуний айланмасига қарши курашиш фаолиятининг замонавий ҳолати ҳамда истиқболлари комплекс таҳлил қилинади. Мақолада наркотрафикнинг трансмиллий ва тармоқли хусусияти, интернет-платформалар орқали чакана тарқатиш, рақамли тўловлар, яширин логистика, янги психоактив моддаларнинг тез ўзгариши каби омиллар ёритилади. Миллий қонунчилик ва 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия, шунингдек, халқаро илмий ёндашувлар асосида тезкор-қидирув фаолиятини маълумотларга асосланган бошқарув, молиявий тергов, рақамли криминалистика, идоралараро ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари ва натижадорлик индикаторлари орқали такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, ноқонуний айланма, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор бўлинмалар, наркотрафик, кибермакон, молиявий тергов, рақамли далиллар, идоралараро ҳамкорлик, профилактика.

Аннотация: В статье комплексно анализируются современное состояние и перспективы деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел по противодействию незаконному обороту наркотических средств, психотропных веществ, их аналогов и прекурсоров. Рассматриваются транснациональный характер наркоторговли, распространение через интернет-платформы, цифровые платежи, скрытая логистика и появление новых психоактивных веществ. Предложены меры по развитию аналитической работы, финансовых расследований, цифровой криминалистики и межведомственного взаимодействия.

Ключевые слова: Наркотические средства, психотропные вещества, незаконный оборот, оперативно-розыскная деятельность, наркоторговля, киберпространство, финансовое расследование.

Abstract. This article examines the current challenges and future directions of internal affairs operational units in countering illicit trafficking in narcotic drugs, psychotropic substances, their analogues and precursors. It analyses the networked nature of drug markets, online retail distribution, digital payments and covert logistics. Drawing on Uzbekistan’s legislation and international scholarship,

it proposes an intelligence-led, financially oriented and digitally enabled model supported by inter-agency cooperation, human-rights safeguards and measurable performance indicators.

Keywords: Narcotic drugs, psychotropic substances, illicit trafficking, operational-search activity, drug trafficking, cyberspace, financial investigation, digital evidence.

КИРИШ

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси замонавий жамиятда фақат жиноят-ҳуқуқий муаммо эмас, балки аҳоли саломатлиги, демографик барқарорлик, иқтисодий хавфсизлик, ёшлар келажаги ва давлат институтларининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи кўп қиррали таҳдиддир. Ушбу ҳодисанинг хавфлилиги ноқонуний бозорнинг тез мослашувчанлиги, даромад манбаларининг трансмиллий хусусияти, уюшган гуруҳларнинг коррупциявий алоқалардан фойдаланиши ва рақамли технологиялар орқали анъанавий назорат механизмларини четлаб ўтиш имкониятлари билан белгиланади.

Ўзбекистон географик жиҳатдан минтақавий транспорт ва савдо йўлаклари кесишган ҳудудда жойлашгани, аҳоли ҳаракатчанлиги ва рақамли хизматлар кўлами ортиб бораётгани сабабли наркотрафикка қарши курашишда анъанавий чегаравий ва рейд тадбирлари билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Моддаларнинг кичик партияларда тарқатилиши, интернет орқали буюртма бериш, электрон ҳамёнлардан фойдаланиш, яширин жойларга қолдириш ва воситачи-курьерлардан фойдаланиш тезкор бўлинмалардан янги билим, технология ва ташкилий ёндашувларни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сон Фармони билан 2024-2028 йилларга мўлжалланган гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш Миллий стратегияси тасдиқланди. Ҳужжатда профилактика, аҳолида гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантириш, ноқонуний айланманинг янги, хусусан интернет тармоғидаги усулларига барҳам бериш, тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чораларни рақамлаштириш ҳамда илмий тадқиқотларни ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган [1]. 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон Фармон эса мазкур сиёсатни аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилиш, уюшган наркожиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига олиб чиқиш билан боғлади [2].

Мақоланинг мақсади - ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, ташкилий, криминологик ва технологик истиқболларини асослаш ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда формал-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-структуравий, мантиқий таҳлил ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро стандартлар ва илмий адабиётлар билан қиёсий ўрганилди; UNODC ва EUDA материаллари наркотик бозорларининг замонавий тенденцияларини аниқлаш учун таҳлил қилинди. Таклифлар мавжуд ҳуқуқий тартиб, тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари ва инсон ҳуқуқлари кафолатларини ўзаро уйғунлаштириш асосида шакллантирилди.

Наркожиноятчиликнинг замонавий трансформацияси ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга қаратилган салбий таъсири. Наркожиноятчиликнинг замонавий модели марказлашган ягона иерархиядан кўра, вазифалар бўйича ихтисослашган ва бир-бири билан вақтинчалик алоқалар ўрнатадиган тармоқли тузилмаларга тобора кўпроқ ўхшамоқда. Бундай тузилмаларда моддани етказиб берувчи, молиялаштирувчи, рақамли алоқа ва реклама билан шуғулланувчи, сақлаш жойини ташкил этувчи, курьерлик қилувчи ва даромадни легаллаштирувчи иштирокчиларнинг вазифалари ажратилган бўлиши мумкин. Шу сабабли фақат моддани олиб юрган шахсни аниқлаш жиноий тармоқнинг иқтисодий ва ташкилий ўзагини фош этишга ҳар доим ҳам олиб келмайди.

Хорижий мутахассис Peter Reuter наркотик бозорлари ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги муносабатлар модда тури, бозор даражаси ва мамлакатдаги институционал муҳитга қараб фарқланишини таъкидлайди. Унинг таҳлилидан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, наркотрафикни фақат муайян жиноий гуруҳни қўлга олиш билан бартараф этиб бўлмайди; бозорни таъминлаб турган иқтисодий ва ташкилий алоқаларни ҳам аниқлаш зарур [3]. Яна бир хорижий мутахассис Letizia Paoli уюшган жиноятчиликни фақат барқарор иерархик ташкилот сифатида эмас, балки даромад келтирувчи оғир жиноий фаолиятлар мажмуи сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатади [4].

Иккинчи муҳим ўзгариш - наркотик маҳсулотларнинг рақамли муҳитга кўчиши. EUDA маълумотларига кўра, жиноий тармоқлар яширин мулоқот воситалари ва технологик инновациялардан тарқатиш моделларини такомиллаштириш ҳамда ўзларига нисбатан хавфни камайтириш учун фойдаланмоқда; чакана савдода ижтимоий тармоқлар ва тезкор хабар алмашиш иловаларининг аҳамияти ортиб бормоқда [5]. Демак, тезкор бўлинмалар иши фақат жисмоний кузатув ёки анъанавий манбалар билан чекланмасдан, очиқ рақамли муҳитдаги қонуний таҳлил, рақамли изларни сақлаш ва процессуал тартибда расмийлаштириш салоҳиятини қамраб олиши керак.

UNODCнинг янги психоактив моддалар бўйича эрта огоҳлантириш тизими модели тез ўзгараётган бозорда янги моддалар, истеъмол усуллари, таркибдаги хавфли аралашмалар ва концентрация ўзгаришларини барвақт аниқлаш муҳимлигини кўрсатади. Бундай тизим кўп тармоқли маълумот алмашинуви, таҳлил, хавфни баҳолаш ва манзилли жавоб чораларини назарда тутади [6].

UNODCнинг 2025 йилги Жаҳон гиёҳвандлик ҳисоботига кўра, 2023 йилда дунё бўйича 316 миллион киши гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилгани баҳоланган. Бу кўрсаткич ўн йил ичида 28 фоизга ўсган [7]. Мазкур рақамлар Ўзбекистондаги вазиятни тўғридан-тўғри ифодаламаса-да, муаммонинг глобал кўлами ва миллий профилактика ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими учун узоқ муддатли хавфларни англашда муҳим контекст ҳисобланади.

Учинчи трансформация - наркотрафикнинг молиявий инфратузилмаси мураккаблашувидир. Нақд пул, банк ўтказмалари, электрон тўлов воситалари, криптоактивлар ва номинал шахслар орқали маблағ ҳаракатини яшириш ҳолатлари жиноятнинг моддий асосини ташкил қилиши мумкин. Michael Levi молиявий терговнинг самарадорлиги халқаро ахборот олиш, молиявий разведка маълумотларидан фойдаланиш ва идоралараро ҳамкорлик тезлигига боғлиқлигини таъкидлайди [8].

Ўзбекистонда тезкор бўлинмалар фаолиятининг ҳуқуқий ва институционал асосларини тартибга солиш. Миллий ҳуқуқий асоснинг муҳим хусусияти шундаки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини тартибга солувчи қонунчилик тезкор-қидирув фаолияти билан бевосита боғланган. 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун назорат қилинадиган моддалар ва прекурсорлар муомаласи, уларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш ҳамда оператив-қидирув тадбирларида қўлланишини тартибга солади. Қонуннинг 29-моддасида тезкор-қидирув тадбирларида мазкур моддалардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш, 39-моддасида эса назорат остида етказиб бериш ва назорат остида харид қилиш чоралари назарда тутилган [9].

Назорат остида етказиб бериш ёки харид қилиш каби тадбирлар жиноий тармоқнинг юқори бўғинларига чиқиш, алоҳида ижрочилар ортида турган ташкилотчиларни аниқлаш учун ҳуқуқий имконият яратади. Бироқ уларни қўллашда қонунийлик, зарурат, мутаносиблик, ваколат доираси ва далилларнинг мақбуллигига қатъий риоя этилиши шарт. Тезкор тадбир натижасида олинган маълумотнинг жиноят-процессуал далилга айланиши алоҳида процессуал талабларга боғлиқ.

2024 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–971-сон Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасига, шу жумладан телекоммуникация тармоқлари ва Интернетдан фойдаланишга, вояга етмаганларни жалб қилишга қарши нормалар киритилди [10]. Бу ўзгаришлар тезкор бўлинмалар олдига рақамли муҳитда содир этилаётган ҳаракатларни аниқлаш, уларни тўғри квалификация қилиш ва далиллар занжирини таъминлаш бўйича янги вазифаларни қўяди.

2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия наркотикларга қарши курашни фақат жазолаш сиёсати сифатида эмас, балки профилактика, даволаш, реабилитация, илмий тадқиқот ва рақамлаштириш билан боғлиқ комплекс давлат сиёсати сифатида белгилаган [1]. 2024 йил 4 октябрдаги
631-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Давлат комиссияси ва ҳудудий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, стратегия ижросини мувофиқлаштириш ва чора-тадбирларни танқидий ўрганиш механизмлари мустаҳкамланди [11].

2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон Фармонда уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш, ёшларни ҳимоя қилиш, тезкор-профилактик ва ташкилий чораларни кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган [2]. Ҳужжатлар тезкор бўлинмалар фаолиятини алоҳида идоранинг тор вазифаси сифатида эмас, балки ягона миллий тизимнинг муҳим бўғини сифатида кўриш зарурлигини англатади.

Ҳуқуқий тартибга солишда рақамли маълумотларни қонуний олиш ва сақлаш; турли идоралар ахборот тизимлари ўртасидаги ўзаро ишлаш; янги психоактив моддаларни тезкор идентификация қилиш; халқаро ҳуқуқий ёрдам сўровларини тезлаштириш; молиявий маълумотларни таҳлил қилишда шахсий маълумотлар ва банк сирини муҳофаза қилиш каби йўналишлар доимий такомиллаштиришни талаб қилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари. Маълумотларга асосланган ва таҳлилий тезкор фаолият. Тезкор бўлинмалар фаолиятини такомиллаштиришнинг биринчи истиқболли йўналиши — маълумотларга асосланган тезкор бошқарув моделини жорий этишдир. Бунда ҳудудий вазият, жиноятлар содир этилишининг вақт ва макон хусусиятлари, такрорий шахслар, молиявий алоқалар, мусодара қилинган моддаларнинг таркиби ва логистик йўналишлар ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Натижада тезкор ресурслар тасодифий ёки фақат ҳисобот кўрсаткичларига қараб эмас, хавф даражаси ва жиноий тармоққа таъсир имкониятидан келиб чиқиб тақсимланади.

Stuart Kirby, Amanda Quinn ва Scott Keay тадқиқотида маълумотларга асосланган (intelligence-led) полициявий ёндашув очиқ наркотик бозорларида фаол бўлган такрорий ва юқори хавфли шахсларни аниқлашда анъанавий реактив ёндашувга нисбатан муайян афзалликлар бериши кўрсатилган [12]. Хорижий тадқиқот натижаси маҳаллий шароитда автоматик равишда такрорланмайди, бироқ у таҳлилий маълумотларни тезкор қарор қабул қилиш жараёнига тизимли киритиш зарурлигини асослайди.

Ҳар бир ҳудудда наркотик вазият бўйича таҳлилий паспорт шакллантириш мумкин. Унда очиқ манбалардан қонуний олинган маълумотлар, мурожаатлар, экспертиза натижалари, маъмурий ва жиноий статистика, хавф омиллари ҳамда профилактик тадбирлар натижалари умумлаштирилади. Паспорт шахсларни асоссиз профиллаш ёки ҳуқуқбузарлик содир этмаганларни хавфли деб белгилаш воситасига айланмаслиги, маълумотларнинг аниқлиги ва янгиланиш муддати назорат қилиниши шарт.

Интернет муҳитидаги ноқонуний савдога қарши курашиш. Интернет орқали наркотик савдоси тезкор фаолиятнинг энг динамик йўналишларидан биридир. Бунда ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, эълон майдончалари, яширин веб-ресурслар ва рақамли тўлов воситалари турли даражада ишлатилиши мумкин. Тезкор бўлинмалар учун асосий вазифа — рақамли муҳитдаги

аломатларни қонуний асосда аниқлаш, маълумотларнинг манбаси ва яхлитлигини таъминлаш, рақамли изларни қайд этиш ва уларни терговга процессуал тартибда тақдим этишдир.

Рақамли криминалистика бўйича мутахассисларни тезкор гуруҳларга жалб қилиш, электрон далиллар билан ишлашнинг ягона услубий талабларини ишлаб чиқиш, вақт белгиси, метамаълумотлар, хеш-қийматлар ва сақлаш занжирини қайд этиш тартибини стандартлаштириш муҳим. Рақамли маълумотни скриншот шаклида сақлашнинг ўзи ҳар доим ҳам етарли эмас; унинг асл манбаси, олинган вақти, олиш усули ва ўзгармаганлиги тасдиқланиши лозим.

2025 йилда чоп этилган онлайн наркотик бозорлари ҳақидаги адабиётлар шарҳи интернет бозорларининг ўзгарувчан табиатини ва бу муҳитга мослашган профилактика ҳамда аралашув усуллари зарурлигини кўрсатади [13]. Рақамли компетенция техник воситаларни билишдан ташқари ҳуқуқий саводхонлик, маълумотларни баҳолаш, ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилишни ҳам қамраб олиши керак.

Молиявий тергов ва жиноий даромадларни аниқлаш. Наркотик моддалар савдосининг иқтисодий манфаатини бартараф этмасдан туриб, унинг барқарорлигини узоқ муддатга сусайтириш қийин. Шу сабабли ҳар бир йирик ёки уюшган гуруҳга оид ишда молиявий таҳлил параллел равишда ташкил қилиниши, жиноий даромадлар, активлар, воситачилар, номинал эгалик ва маблағларнинг ҳаракати аниқланиши мақсадга мувофиқ.

Хорижий мутахассис Michael Levi молиявий терговни самарали ташкил этиш учун халқаро ҳамкорликдаги кечикишларни камайтириш, хорижий маълумотларни олиш тартибини соддалаштириш ва молиявий разведка имкониятларини амалиётга чуқур интеграция қилиш кераклигини таъкидлайди [8]. Яна қуйидаги хорижий бир мутахассислардан Jonathan Caulkins, Beau Kilmer ва Mark Kleiman наркотик сиёсатини баҳолашда бозорнинг иқтисодий рағбатлари, талаб ва таклиф динамикаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларининг кутилмаган оқибатларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади [14; 18].

Амалиёт учун таклиф: наркотик моддалар билан боғлиқ уюшган жиноят ишларида молиявий йўналиш алоҳида иш режасига киритилиши, дастлабки босқичданоқ молиявий таҳлилчи жалб қилиниши, активларни аниқлаш ва уларни қонун доирасида сақлаш чоралари тергов билан мувофиқлаштирилиши лозим. Бунда айбсизлик презумпцияси, мулк ҳуқуқи ва учинчи шахсларнинг қонуний манфаатлари кафолатланиши шарт.

Янги психоактив моддалар ва прекурсорлар бўйича эрта огоҳлантириш. Янги психоактив моддалар таркибининг тез ўзгариши, мавжуд назорат рўйхатларига киритилмаган бирикмалар пайдо бўлиши ва прекурсорларнинг қонуний саноат эҳтиёжлари билан ноқонуний ишлатилиши ўртасидаги фарқни аниқлаш мураккаб вазифадир. Шунинг учун тезкор бўлинмалар ахбороти лаборатория экспертизаси, токсикологик кузатув ва фармацевтика назорати маълумотлари билан боғланиши зарур.

UNODC тавсия қилаётган эрта огоҳлантириш тизими янги моддалар, истеъмолдаги ўзгаришлар ва хавфли аралашмалар ҳақидаги сигналларни тезкор алмашишни назарда тутади [6]. Миллий шароитда ягона ахборот протоколи, лабораторияларга намуна юборишнинг тезкор тартиби, аниқланган янги моддалар бўйича ваколатли идораларга хабар бериш ва ҳуқуқий рўйхатларни ўз вақтида янгилаш механизми зарур.

Идоралараро ва халқаро ҳамкорлик. Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси кўпинча бир неча ҳудуд ва давлатни қамраб олгани сабабли унинг олдини олишда фақат ички ишлар органларининг имкониятлари етарли бўлмайди. Божхона, чегара, прокуратура, суд-экспертиза, соғлиқни сақлаш, таълим, молиявий назорат ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик ягона мақсад ва аниқ вазифалар асосида ташкил этилиши лозим.

Phil Williams ва Vanda Felbab-Brown наркотрафик, зўравонлик, бошқарув сифати ва хавфсизлик ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб, ноқонуний иқтисодиётнинг давлат институтларига таъсирини кўрсатади [15]. Идоралараро ҳамкорлик фақат ахборот юбориш билан

чекланмасдан, коррупциявий хавфларни камайтириш, жиноий даромадларни легаллаштириш каналларини тўсиш ва ҳудудлардаги ижтимоий омилларни бартараф этишга ҳам қаратилмоғи керак.

Халқаро ҳамкорликда маълумотларнинг махфийлиги, мақсадли фойдаланиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва юборилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш муҳим. Трансчегаравий тезкор тадбирлар ҳар бир давлатнинг суверенитети ва миллий қонунчилигига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Халқаро гиёҳвандлик назорати конвенцияларининг ҳуқуқий мазмуни ва уларнинг миллий сиёсатга таъсирини баҳолашда хорижий статистика ташкилотларидан Bewley-Taylor ва Jelsma тадқиқотлари ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади [17].

Кадрлар салоҳияти ва ихтисослашган тайёргарлик. Замонавий наркотрафикка қарши курашиш учун тезкор ходимдан ҳуқуқшунослик ва тезкор-қидирув тактикаси билан бир қаторда рақамли саводхонлик, молиявий таҳлил, хорижий тиллар, криминалистика, психология ва маълумотлар билан ишлаш кўникмалари талаб этилади. Шу боис Академия ва амалиёт органлари ўртасида дуал таълим элементларини кучайтириш, реал кейслар асосида симуляцион машғулотлар ташкил этиш, рақамли далиллар ва молиявий тергов бўйича ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Кадрлар тайёрлашда фақат жиноятни фош этиш техникасига эмас, балки қонунийлик, касбий этика, коррупцияга қарши иммунитет, маълумотлар махфийлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Хорижий мутахассислардан Alex Stevens ва Fiona Measham янги психоактив моддаларга нисбатан сиёсатни ишлаб чиқишда далилларга асосланган ёндашув ва танқидий баҳолаш муҳимлигини таъкидлайди [16].

Тезкор бўлинмалар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги мезонлари. Наркотикларга қарши курашишда самарадорликни фақат мусодара қилинган моддаларнинг оғирлиги, қўзғатилган ишлар ёки ушланган шахслар сони билан баҳолаш бирёқлама ёндашувдир. Бундай кўрсаткичлар қисқа муддатли натижани ифодаласа-да, жиноий тармоқнинг барқарорлиги, бозорнинг қайта тикланиши, ёшлар ўртасида тарқалиш хавфи ва молиявий инфратузилманинг бузилиши ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди.

Самарадорлик мезонлари қуйидаги йўналишларда шакллантирилиши таклиф этилади: биринчидан, жиноий тармоқнинг юқори бўғинларини аниқлаш ва фаолиятини тўхтатиш; иккинчидан, жиноий даромадлар ва активларни аниқлаш; учинчидан, янги психоактив моддаларни аниқлашдан ваколатли идораларни огоҳлантиришгача бўлган вақтни қисқартириш; тўртинчидан, рақамли далилларнинг процессуал мақбуллиги; бешинчидан, такрорий жиноятчилик ва ҳудудий хавфнинг ўзгариши; олтинчидан, профилактик тадбирларнинг манзиллилиги ва натижаси.

Баҳолаш тизими ходимларни кўпроқ миқдорда модда мусодара қилишга ёки тезкор тадбирлар сонини сунъий оширишга рағбатлантирмаслиги керак. Акс ҳолда статистик кўрсаткичлар ҳақиқий хавфни камайтириб кўрсатиши ёки ҳуқуқий кафолатларни заифлаштириши мумкин. Шу сабабли миқдорий индикаторлар сифат кўрсаткичлари, мустақил ички аудит ва қонунийлик талабларига риоя этиш баҳоси билан тўлдирилиши лозим.

Муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича муаллифлик таклифлари. Тадқиқот натижалари тезкор бўлинмалар фаолиятида бир-бири билан боғлиқ бир қатор институционал муаммолар мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Жумладан, ахборот тизимларининг ўзаро тўлиқ интеграция қилинмагани; рақамли далиллар билан ишлаш амалиётининг бир хил эмаслиги; молиявий терговнинг айрим ҳолларда кеч бошланиши; янги психоактив моддаларни лабораторияда аниқлаш ва ҳуқуқий таснифлаш ўртасида вақт тафовути; ҳудудий таҳлил ва кадрлар ихтисослашувининг етарли эмаслиги; халқаро ахборот алмашинувида процессуал кечикишлар.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги илмий-амалий таклифлар илгари сурилади:

- Ички ишлар органлари тизимида гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка оид маълумотларни таҳлил қилиш бўйича ихтисослашган таҳлилий модулни шакллантириш. Унда фақат қонуний олинган ва текширилган маълумотлардан фойдаланиш, кириш ҳуқуқларини даражалаш, ҳаракатлар журналини юритиш ва маълумотларни сақлаш муддатларини белгилаш лозим.

- Ҳар бир йирик уюшган наркожиноят ишида тезкор, тергов, молиявий таҳлил ва рақамли криминалистика мутахассисларидан иборат мувофиқлаштирилган ишчи гуруҳ тузиш. Ишчи гуруҳнинг вазифалари, ахборот алмашиш тартиби ва масъулияти ёзма равишда белгиланиши керак.

- Интернет орқали тарқатиш ҳолатларида электрон далилларни аниқлаш, қайд этиш, нусхалаш, яхлитлигини текшириш ва процессуал расмийлаштириш бўйича ягона услубий қўлланма ишлаб чиқиш. Унда шахсий маълумотлар ва алоқа сирини муҳофаза қилиш кафолатлари акс эттирилиши лозим.

- Янги психоактив моддалар бўйича миллий эрта огоҳлантириш механизмини жорий этиш. Механизм лабораториялар, тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари, божхона ва фармацевтика назорати органларидан келадиган сигналларни ягона тартибда умумлаштириши керак.

- Наркожиноятчиликка қарши курашишда молиявий терговни мажбурий таҳлилий компонент сифатида кўриш. Йирик ва уюшган гуруҳларга оид ишлар бўйича жиноий даромадлар, активлар ва легаллаштириш эҳтимолларини баҳолаш режаси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

- Тезкор ходимлар учун рақамли криминалистика, криптоактивлар билан боғлиқ молиявий таҳлил, халқаро ҳуқуқий ёрдам, янги психоактив моддалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича модулли малака ошириш дастурини жорий этиш.

- Ҳудудий наркотик вазиятни баҳолашда фақат жиноят статистикасига эмас, балки соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар ва лаборатория маълумотларига ҳам таяниш. Бу профилактик ресурсларни хавф юқори бўлган гуруҳ ва ҳудудларга манзилли йўналтириш имконини беради.

- Тезкор бўлинмалар самарадорлигини баҳолашнинг кўп мезонли тизимини ишлаб чиқиш. Унда жиноий тармоқни бартараф этиш, молиявий натижа, рақамли далиллар сифати, такрорий жиноятчиликнинг ўзгариши, профилактик таъсир ва қонунийликка риоя қилиш кўрсаткичлари уйғунлаштирилиши керак.

- ИИВ Академиясида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича махсус ўқув-симуляцион модул ташкил этиш. Унда интернет орқали савдо, курьерлик занжири, молиявий излар, экспертиза ва идоралараро ҳамкорликка оид шартли вазиятлар асосида комплекс машғулотлар ўтказиш мумкин.

- Халқаро ҳамкорликда тезкор ахборот алмашиш бўйича алоқа нуқталарини белгилаш, сўровларнинг ижроси ва натижасини кузатиш, маълумотларнинг махфийлиги ҳамда мақсадли фойдаланишини таъминлайдиган ички протоколларни такомиллаштириш каби вазифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасига қарши курашиш фаолияти янги босқичга ўтиши учун унинг марказида алоҳида жиноят фактини аниқлаш эмас, балки жиноий бозорни таъминлаб турган тармоқ, молиявий манфаат, рақамли инфратузилма ва ижтимоий омилларга комплекс таъсир кўрсатиш вазифаси туриши лозим.

Биринчидан, наркотрафикнинг тармоқли ва трансмиллий хусусияти тезкор фаолиятни таҳлилий маълумотларга асосланган бошқарув, молиявий тергов ва халқаро ҳамкорлик билан узвий боғлашни талаб қилади.

Иккинчидан, интернет орқали савдо ва рақамли тўловлар кўпайиши рақамли криминалистика, электрон далилларнинг яхлитлиги ва процессуал мақбуллигини таъминлашни устувор вазифага айлантиради.

Учинчидан, янги психоактив моддаларнинг тез пайдо бўлиши лабораториялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида эрта огоҳлантириш тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Тўртинчидан, тезкор-қидирув тадбирларининг самарадорлиги қонунийлик, зарурат ва мутаносиблик принциплари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши шарт. Замонавий технологиялардан фойдаланиш инсон ҳуқуқларини чеклаш учун мустақил асос бўла олмайди; ҳар қандай маълумот йиғиш ва таҳлил қилиш ваколат, мақсад ва назорат талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, кадрлар тайёрлаш тизими рақамли саводхонлик, молиявий таҳлил, криминалистика, халқаро ҳамкорлик ва касбий этикани бирлаштирган компетенциялар моделига асосланиши керак.

Шу сабабли, истиқболдаги энг муҳим вазифа - тезкор бўлинмаларни фақат жиноятни фош этувчи тузилмадан наркотик бозорининг хавфини олдиндан баҳолайдиган, жиноий тармоқларнинг иқтисодий асосини заифлаштирадиган, рақамли далиллар билан ишлайдиган ва профилактика субъектлари билан ҳамкорлик қиладиган интеллектуал ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига айлантиришдир. Бу эса 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия мақсадларини амалий натижага айлантиришга хизмат қилади.

ҲАВОЛАЛАР

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ–73-сон «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
URL: https://lex.uz/docs/6912475 (мурожаат санаси: 12.11.2026).

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон «Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. URL: https://www.lex.uz/acts/-7818774 (мурожаат санаси: 12.11.2026).

[3] Reuter P. Drug Markets and Organized Crime // The Oxford Handbook of Organized Crime / ed. by L. Paoli. Oxford: Oxford University Press, 2014. P. 359–380. DOI: 10.1093/oxfordhb/9780199730445.013.004.

[4] Paoli L. (ed.). The Oxford Handbook of Organized Crime. Oxford: Oxford University Press, 2014. DOI: 10.1093/oxfordhb/9780199730445.001.0001.

[5] European Union Drugs Agency (EUDA). EU Drug Markets: Drivers and Facilitators. 2024. URL: https://www.euda.europa.eu/news/2024/eu-drug-markets-drivers-and-facilitators-new-report-unveils-dynamics-illicit-drug-market_en.

[6] UNODC. Early Warning Systems: UN Toolkit on Synthetic Drugs. URL: https://syntheticdrugs.unodc.org/syntheticdrugs/en/earlywarning/index.html.

[7] UNODC. World Drug Report 2025: Special Points of Interest. Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime, 2025. URL: https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/WDR_2025/WDR25_Special-Points_web.pdf.

[8] Levi M. Drug Law Enforcement and Financial Investigation Strategies: Modernising Drug Law Enforcement. London: International Drug Policy Consortium, 2013. URL: https://orca.cardiff.ac.uk/id/eprint/88170/.

[9] Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунининг 29, 39-моддалари. URL: https://lex.uz/docs/86028.

[10] Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–971-сон Қонуни.

[11] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 631-сон қарори.

[12] Kirby S., Quinn A., Keay S. Intelligence-led and traditional policing approaches to open drug markets – a comparison of offenders // Drugs and Alcohol Today. 2010. Vol. 10, No. 4. P. 13–19. DOI: 10.5042/daat.2010.0723.

[13] Garel N., Goonetilleke P., Kuriksha A., Tate S. Online Drug Markets and Implications for Addiction Medicine: A Narrative Literature Review // Journal of Addiction Medicine. 2025. Vol. 19, No. 4. P. 365–370. DOI: 10.1097/ADM.0000000000001490.

[14] Kleiman M. A. R., Caulkins J. P., Hawken A. Drugs and Drug Policy: What Everyone Needs to Know. Oxford: Oxford University Press, 2011. DOI: 10.1093/wentk/9780199764518.001.0001.

[15] Williams P., Felbab-Brown V. Drug Trafficking, Violence, and Instability. Carlisle, PA: U.S. Army War College Press, 2012.

[16] Stevens A., Measham F. The “drug policy ratchet”: why do sanctions for new psychoactive drugs typically only go up? // Addiction. 2014. Vol. 109, No. 8. P. 1226–1232. DOI: 10.1111/add.12406.

[17] Bewley-Taylor D. R., Jelsma M. Regime change: re-visiting the 1961 Single Convention on Narcotic Drugs // International Journal of Drug Policy. 2012. Vol. 23, No. 1. P. 72–81. DOI: 10.1016/j.drugpo.2011.08.003.

[18] Caulkins J. P., Kilmer B., Kleiman M. A. R. Marijuana Legalization: What Everyone Needs to Know. 2nd ed. Oxford: Oxford University Press, 2016. DOI: 10.1093/wentk/9780190262419.001.0001.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни. 19.08.1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ–73-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 631-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 октябрдаги ЎРҚ–971-сон Қонуни.
6. UNODC. World Drug Report 2025. Vienna: United Nations, 2025.
7. European Union Drugs Agency. EU Drug Markets: Drivers and Facilitators. 2024.
8. Reuter P. Drug Markets and Organized Crime. In: The Oxford Handbook of Organized Crime. Oxford University Press, 2014.
9. Paoli L. (ed.). The Oxford Handbook of Organized Crime. Oxford University Press, 2014.
10. Levi M. Drug Law Enforcement and Financial Investigation Strategies. International Drug Policy Consortium, 2013.

11. Kirby S., Quinn A., Keay S. Intelligence-led and traditional policing approaches to open drug markets. Drugs and Alcohol Today. 2010. 10(4). 13–19.
12. Garel N. et al. Online Drug Markets and Implications for Addiction Medicine. Journal of Addiction Medicine. 2025. 19(4). 365–370.
13. Kleiman M. A. R., Caulkins J. P., Hawken A. Drugs and Drug Policy: What Everyone Needs to Know. Oxford University Press, 2011.
14. Williams P., Felbab-Brown V. Drug Trafficking, Violence, and Instability. U.S. Army War College Press, 2012.
15. Stevens A., Measham F. The “drug policy ratchet”. Addiction. 2014. 109(8). 1226–1232.
16. Bewley-Taylor D. R., Jelsma M. Regime change: re-visiting the 1961 Single Convention on Narcotic Drugs. International Journal of Drug Policy. 2012. 23(1). 72–81.
17. Caulkins J. P., Kilmer B., Kleiman M. A. R. Marijuana Legalization: What Everyone Needs to Know. 2nd ed. Oxford University Press, 2016.
18. UNODC. Early Warning Systems: UN Toolkit on Synthetic Drugs.